

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үн.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МУРОДОВ АЛИШЕР ШАРОФХОНОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ОИЛАДАГИ
ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг
олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи.**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Муродов Алишер Шарофхонович

Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ
ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш 3

Муродов Алишер Шарофхонович

Совершенство деятельности органов внутренних дел по
профилактике правонарушений, связанных с насилием в семье 23

Murodov Alisher Sharofhonovich

Improving the actions of the internal affairs bodies in the prevention
of violence families 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

Автореферат Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Тахририят-ноширлик бўлимида тахрирдан ўтказилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үн.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МУРОДОВ АЛИШЕР ШАРОФХОНОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ОИЛАДАГИ
ЗЎРАВОНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг
олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи.**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Босишга рухсат этилди: 15.01.2019.
Бичими 60x84 1/8. «Times New Roman»
гарнитурда рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 3,5. Адади: 100. Буюртма: №01.

100060, Тошкент, Я.Ғуломов кўчаси, 74.

«TOP IMAGE MEDIA»
босмаҳонасида чоп этилди.

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Yu134 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исмаилов Исамиддин юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тахиров Фарход юридик фанлар доктори, профессор Абдуқодиров Шерзод Ёқубжонович юридик фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори

М.З. Зиёдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

А.Г. Закирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

истикболлари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 195-202.

22. Муродов А.Ш. Диний экстремистик оқим аъзолари яшайдиган оилаларда ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш масалалари // Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 67-69.

23. Муродов А.Ш. Оила турмуш муносабатлари доирасида шахсга қарши содир этиладиган жиноятларни олдини олиш масалалари // Конституция Республикаси Ўзбекистон: наука, образование и воспитание молодёжи: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: 2015. – С. 180-186.

24. Муродов А.Ш. Оила турмуш доирасида зўравонлик жиноятини содир этувчи шахсларнинг психологик тавсифи // Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 260-264.

25. Муродов А.Ш. Профилатика инспекторларининг оиладаги низоларни олдини олишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги // «Ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари: Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 273-280.

26. Муродов А.Ш. Профилатика инспекторларининг оила-турмуш доирасидаги низоларни олдини олишда маҳалла посбонлари билан ҳамкорлиги // Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати- республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: 2017. – Б. 124-129.

27. Муродов А. Рўзиев Ж. Маҳалла фуқаролар йиғинининг оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолияти // Оилалардаги зўравонликларнинг сабаб ва шароитлари, профилактикаси ҳамда хорижий: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 85-93.

28. Муродов А.Ш. Профилатика инспекторларининг оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш // Жамиятни ислоҳ қилиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг долзарб масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 163-166.

материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. – Б. 306-363.

13. Муродов А.Ш. Оилада зўравонликни келтириб чиқарувчи ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштиришнинг асосий йўналишлари // Мустаҳкам оила – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – Б. 293-299.

14. Муродов А.Ш. Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари // Оилалардаги зўравонликларнинг сабаб ва шароитлари, профилактикаси ҳамда хорижий: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – Б. 55-62.

II бўлим (II часть; II part)

15. Муродов А.Ш. Оиладаги носоғлом муҳит таъсирининг олдини олиш муаммолари // Ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гарови: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: 2008. – Б. 132-136.

16. Муродов А.Ш. Шахсни оиладаги зўравонликлардан ҳимоя қилишни таъминлашнинг айрим масалалари // Миллий қадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. – Б. 76-81.

17. Муродов А.Ш. Оиладаги жиноий зўравонликни вужудга келишини тақозо этувчи омилларнинг илмий таҳлили // Оиланинг долзарб муаммолари: устувор вазифалар ва ривожланиш истиқболлари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент: 2008. – Б. 55-56.

18. Муродов А.Ш. Оилада низо туфайли содир этиладиган зўравонликнинг криминологик тавсифи // Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари: муаммо ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. – Б. 361-366.

19. Муродов А.Ш. Жамоат тузилмаси аъзоларининг оиладаги зўравонликларни олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш // Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолати: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. – Б. 90-92.

20. Муродов А.Ш. Оиладаги зўравонлик қурбонларининг криминологик тавсифи // Одам савдосига қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 104-108.

21. Муродов А.Ш. Оила турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар тушунчаси, ижтимоий хавфи ва бугунги ҳолати // Ҳуқуқшунослик

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги барча давлатларнинг миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, хусусан шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида «инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлиги»¹ эътироф этилади. Кўпгина давлатларда сўнгги йилларда оила-турмуш муносабатлари доирасида аёллар, болалар ва кексаларга нисбатан жабр-зулм ва зўравонлик қилиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Хусусан, ҳар йили аёлларнинг 38 фоизи, 1,5 миллиардгача болалар оилада турли кўринишдаги зўравонлик ва шафқатсиз муомалага, Европада эса ҳар беш нафар боладан бири жинсий зўравонликка дучор бўлади².

Жаҳонда оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, ундан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилишнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва инновацион жиҳатларини ўрганишга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, ички ишлар органлари томонидан жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш орқали оила турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, уларнинг давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, амалиётга илғор хорижий тажрибаларни жорий этишнинг мезонларини ишлаб чиқиш каби тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирларни, хусусан аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналари масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикаси»³ каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Бу эса, ички ишлар органлари фаолиятига илғор иш усулларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти

¹ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил 10 декабрь) / Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси // <http://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

² <http://www.maailmakool.ce/wp-content/uploads>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., №6., 70-модда.

институтлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994), «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2010), «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон фармонлари, «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизими такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3827-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг баъзи жиҳатлари З.С. Зарипов, И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, А.Г. Зокирова, М.Қ. Ўразалиев, А.М. Мусаев, Ж.С. Мухторов, Ш.А. Пулатованинг тадқиқотларида ўрганилган бўлса, Й.М. Каракетов, Р. Кабулов, М.Х. Рустамбоев, Ф. Тохиров, М.А. Ражабова, М. Усмоналиев, А.С. Якубов, И.Ю. Фазилов¹ оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий ва жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганишган.

Т.А. Сидоренкова, Е.Е. Мусатова, А.А. Никитина, А.А. Исаков, С.Т. Ахмедханова, К.Д. Зарубина, Т.Г. Тугельбаева – оилада аёлларга нисбатан зўравонлик профилактикасини, Н.К. Котова, Ю.М. Антонян, Е.Ю. Мошицкая, В.А. Шакина, О.В. Лихачаева, Л.А. Колпакова, Э.П. Абовян, Д.У. Мусаев, И.А. Морчев – оиладаги зўравонликнинг виктимологик жиҳатларини, А.Н. Ильяшенко, В.И. Шахов, А.Н. Фатаев, Ф.В. Штефан, Р.Г. Тляумбетов, К.В. Самойленко, Ю.С. Дрожжа, О.С. Колмакова ва В.Е. Батюкова эса ушбу муаммонинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этишган. Лекин оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг криминологик ва виктимологик жиҳатлари комплекс илмий тадқиқот даражасида ўрганилмаган.

Инсоннинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, оилавий

¹ Бу ва бошқа муаллифларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Муродов А.Ш. Анализ криминологических показателей правонарушений, связанных с насилием в семье // Право и жизнь. – 232 (10)-233 (11)-234 (12). – Москва, 2018. – С. 29-41. (12.00.00; №18).

2. Муродов А.Ш. Оиладаги жиноий зўравонликнинг олдини олиш бўйича жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш муаммолари // Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси. – Тошкент, 2008. – № 2. – Б. 70-72. (12.00.00; №09).

3. Муродов А.Ш. Оиладаги жиноий зўравонликнинг криминологик тавсифи ва илмий таҳлили // Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №5. – Б. 175-177 (12.00.00; № 15). (12.00.00; №09).

4. Муродов А.Ш. Оиладаги жиноий зўравонликдан жабрланган шахсларнинг криминологик тавсифи // Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – № 5. – Б. 72-75. (12.00.00; №09).

5. Муродов А.Ш. Оиладаги жиноий зўравонлик содир этувчи шахсларнинг криминологик тавсифи // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2009. – № 4. – Б. 58-62. (12.00.00; №07).

6. Муродов А.Ш. Оилада вояга етмаганларни салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш масалалари // Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – № 5. – Б. 119-121. (12.00.00; №09).

7. Муродов А.Ш. Оилада аёлларга нисбатан содир этиладиган зўравонликнинг олдини олиш муаммолари // Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №1. – Б. 103-105. (12.00.00; №09).

8. Муродов А.Ш. Оиладаги носоғлом муҳит вояга етмаганнинг хулқ-атворида салбий таъсир этувчи омил // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – Тошкент, 2012. – № 1. – Б. 55-58. (12.00.00; №12).

9. Муродов А.Ш. Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг криминологик тавсифи // Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ахборотномаси. – Тошкент, 2017. – №3. – Б. 48-54. (12.00.00; №12).

10. Муродов А.Ш. Оиладаги зўравонлик тушунчаси, турлари ва жиноий ҳуқуқий тавсифи // Advokat. – Тошкент, 2018. – № 1. – Б. 38-45. (12.00.00; №16).

11. Murodov A.SH. The peculiarities of individuals who commit violent offenses in the family // «(SC Ence and pract) CE: A New level (of Ntegrat) ON. N T (E Modern world)» 7 th International Conference. – Sheffield, UK: Conference Proceedings Scope Academic House, 2018.

12. Муродов А.Ш. Оиладаги жиноий зўравонликнинг олдини олишда ҳамкорлик // Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари: Халқаро илмий-амалий конференция

plan of the complex actions intended for the prevention of the family violence intended for 2017-2018» approved on July 6, 2017 (Inquiry of the Main Office for prevention of offences of the MIA of the Republic of Uzbekistan No. 26/4273 on December 21, 2017.). These proposals serve the prevention of premeditated murder committed within the family relations of causing deliberate injuries of graded offence, crimes connected with torture;

proposals concerning to increase of efficiency of rendering social legal aid by the victim of family violence were used when developing the project of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. RP-3827 on July 2, 2018 «About measures for improvement of system of social rehabilitation and adaptation and the system of prevention of family and domestic violence» (Act of the Republican scientific and practical Center «Oila» under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 397 of 18.07.2018). These proposals serve the organization of activity of the Centers of rehabilitation and adaptation of the persons affected by domestic violence, providing them with social, legal, medical and psychological aid;

The structure and volume of the dissertation. The dissertation consists of introduction, three chapters, conclusion, list of used literature and appendix. The volume of the dissertation is 156 pages.

муносабатларда юзага келадиган низоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш орқали барвақт профилактикани таъминлаш зарурати кучайиб бораётганлиги, оиладаги зўравонликдан жабрланганларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий-психологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш механизмларини такомиллаштириш масалаларининг тобора долзарб аҳамият касб этаётганлиги ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг 2016-2018 йилларга мўлжалланган истиқболли дастури»нинг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноий жазолар ижросини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш» (1.3.4-банди) илмий-тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотининг мақсади ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оилада зўравонлик билан боғлиқ содир этилган ҳуқуқбузарликларни тадқиқ этиш асосида уларга оид таянч тушунчаларнинг моҳиятини очиқ бериш;

оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида уларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиш;

оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг омилларини аниқлаш ва таснифлаш;

бундай ҳуқуқбузарликларни содир этган, ундан жабрланган шахсларга тавсиф бериш ва таснифлаш;

ўрганилаётган мавзуга оид айрим хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибаларини амалиётга жорий этиш юзасидан тавсиялар бериш;

оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ҳамда зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятини ва бу борада жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятига оид ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш бўйича фаолияти, уни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиёти, криминология фанидаги концептуал ёндашувлар ва назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ, синтез, дедукция, индукция, мантиқийлик, тарихий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, жиноят ишлари ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оиладаги зўравонликнинг олдини олишга доир асосий тушунчаларни, ушбу фаолиятни ташкил этишнинг принципларини, бу соҳада фаолият олиб боровчи субъектларнинг тизимини, ваколатларини, шунингдек мазкур соҳада амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирларни белгилайдиган уларни мувофиқлаштиришни тартибга соладиган қонун қабул қилиш зарурати асослантирилган;

оила турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш самарадорлигини оширишда бу борадаги чора-тадбирларга ҳудуднинг хусусиятини инобатга олган ҳолда илмий нуқтаи назардан комплекс ёндашиш зарурлиги асослантирилган;

оиладаги зўравонликдан жабрланган шахсларга ўз вақтида манзилли ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш, уларга нисбатан ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида жабрланганлар учун ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини ташкил этиш зарурлиги асослантирилган;

оилалардаги низоли вазиятлар, маиший зўрлик ишлатиш, оила-турмуш доирасидаги зўравонликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида давлат, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар билан ҳамкорлигининг (низоли оилаларни яраштириш, ишсизларни иш билан таъминлаш ва ҳ.к.) йўналишлари асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижасида ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятини такомиллаштириш мақсадида «Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича 2017–2018 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар режаси» ишлаб чиқилган.

Шунингдек, «Маиший зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилиш, оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ҳамда оиладаги зўравонликлардан жабрланганларга ижтимоий, тиббий, психологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларни ижтимоий реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш таклиф этилган.

INTRODUCTION (annotation of doctoral dissertation)

The aim of the research is elaboration of proposals and recommendations on improvement of the activity of the organs of internal affairs of prevention of offences connected with family violence.

The object of the research is social and legal relations relating to the activity of the organs of internal affairs of the Republic of Uzbekistan on prevention of offences connected with family violence.

The subject of the research is prevention of offences connected with family violence regulating their normative-legal acts, lawmaking and practice of some foreign states and conceptual approaches and theoretical basis of criminological science.

Scientific novelty of the research are followings:

necessity of adoption of law defining basic conception on prevention of family violence, principles of organization of such activity, system of objects acting in this sphere, their authorities, and preventive measures being carried out in this sphere and regulating their coordination is grounded;

necessity of the complex scientific approach territorial features to the conduction of measures on early prevention of offenses in the sphere of family-domestic relations and increasing efficiency of preventive measures is grounded;

necessity of creation social rehabilitation centers and adaptation for victims with the aim of giving timely address aid and protection of person who became victims of family violence, prevention of offenses regarding to them is grounded;

directions of cooperation of the organs of internal affairs with the public authorities, including law enforcement bodies, institutions of civil society and citizens (reconciliation of the family conflicts, providing the unemployed with work, etc.) for the purpose of early prevention of conflict cases in families, cases of domestic violence, attempt suicide, violence in a family and household circle are grounded.

Implementation of results of the research. Scientific results obtained in the course of the research on the dissertation were introduced as follows:

on the basis of proposals relating to definition of basic conceptions of prevention of family violence, principles of organization of this activity, systems of subjects being carried out the activity in this sphere and their authorities were elaborated the project the Law of the Republic of Uzbekistan “About prevention of domestic violence” which was presented to the consideration of the Legislative Chamber of Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan (Inquiry of the legislative Committee and judicial and legal questions of the Legislative Chamber of Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan No. 06/1-05/1604 incoming of June 20, 2018.). Adoption of this law will serve improvement of prevention of offenses connected with family violence;

proposals relating to early prevention of offences in the sphere of family and domestic relations with the aim of execution of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan «About the measures for further improvement of the system of prevention of offences and fight against crime» No. RP-2833 on March 14, 2017 were used by the chairman of the Republican interdepartmental commission «The

The theme of dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2017.3. PhD/Yu134

The doctoral dissertation is prepared at the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation was posted in two (Uzbek, Russian, English (resume)) languages on the website Scientific Council at www.tashpmi.uz and on the website of «ZiyoNet» Information and educational portal www.ziyounet.uz.

Scientific consultant:	Ismailov Isamiddin Doctor of Science in Law, Professor
Official opponents:	Tahirov Farhod Doctor of Science in Law, Professor Abduqodirov Sherzod Yoqubjonovich Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor
The leading organization:	Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

The defence of the doctoral dissertation will be held on «__» _____ 2019, at __ at the meeting of the Scientific Council №DSc.27.06.2017.Yu.25.01 at Academy of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan (Address: 68 Intizor str., M.Ulugbek district, 100197 Tashkent. Tel./Fax (+99871) 265-22-52), e-mail: info@akad.mvd.uz).

The dissertation can be looked through in the Information Resource Centre of Academy of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan (registered under №____). Address: 68 Intizor str., M.Ulugbek district, 100197 Tashkent. Tel./Fax (+99871) 265-22-52.

Dissertation abstract was circulated «__» _____ 2019.

(Registry protocol № __ from «__» _____ 2019).

A.S. Tursunov
Chairman of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law

M.Z. Ziyodullaev
Scientific Secretary of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor

A.G. Zakirova
Chairman of the Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган хулосалар 2008-2018 йилларда республикада судларида кўрилган 470 та жиноят ишлари бўйича ҳукмлар, 50 нафар туман-шаҳар ИИБ бошлиқлари, 1254 нафар профилактика инспекторлари, 1345 нафар жамоат тузилмалари ходимлари орасида ўтказилган сўровлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асосланган.

Хулосалар муаллифнинг тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид қарашлари, таклифлари ҳамда статистик маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришга таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий асосларини ривожлантиришга, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлашга оид қонунчилик амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан, кейинги илмий тадқиқотларда, қонунчиликни қўллаш амалиётида, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси», «Криминология» фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ва уларни такомиллаштириш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётида ҳамда олий юридик таълим муассасаларида криминология ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фанларини ўқитишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мазкур диссертация тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар амалиётга қуйидагича жорий этилган:

оиладаги зўравонликнинг олдини олишга доир асосий тушунчалар, ушбу фаолиятни ташкил этишнинг принциплари, бу соҳада фаолият олиб боровчи субъектларнинг тизимини, ваколатларини белгилашга доир таклифлар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Маиший зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси муҳокамасига қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2018 йил 20 июндаги 06/1-05/1604 вх-сонли маълумотномаси). Мазкур қонуннинг қабул қилиниши оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштиришга хизмат қилади;

оила турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида республика идоралараро комиссия раиси томонидан 2017 йил 6 июль куни тасдиқланган «Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2017 йил 21 декабрдаги 26/4273-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар оила турмуш доирасида содир этиладиган қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга турли даражада шикаст етказиш, қийнаш жиноятларининг олдини олишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасида оиладаги зўравонликдан жабрланганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларини ташкил этишга оид таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3827-сон «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот марказининг 2018 йил 18 июлдаги 397-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар оиладаги зўравонликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини ташкил этиш ва уларда жабрланган шахсларга ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилишини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та (3 та халқаро, 15 та республика) илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини янада оширишга қаратилган хулоса, таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 24 мартдаги 47-сонли фармойиши асосида Наманган вилояти ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларига диссертант томонидан ўтказилган ўқув машғулотларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан 10 та илмий мақола (улардан 1 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.27.06.2017.Yu.25.01 AT THE ACADEMY OF THE MINISTRY
OF INTERNAL AFFAIRS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ACADEMY OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

MURODOV ALISHER SHAROFHONOVICH

IMPROVING THE ACTIONS OF THE INTERNAL
AFFAIRS BODIES IN THE PREVENTION
OF VIOLENCE FAMILIES

12.00.08 – Criminal law. Offence prevention. Criminology.
Criminal-executive law.

ABSTRACT OF THE DISSERTATION OF
THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON SCIENCE IN LAW

TASHKENT – 2019

программах по подготовке сотрудников органов внутренних дел, осуществляющих меры индивидуальной профилактики, в частности при подготовке, переподготовке и повышении квалификации инспекторов профилактики.

3.7. Целесообразно на каждой административной территории организовать достаточно мест в учреждениях принудительного лечения для размещения лиц, злоупотребляющих алкоголем, или употребляющих наркотические средства, психотропные и другие вещества, негативно влияющие на умственно-волевою деятельность.

3.8. Предлагается разработать «Дорожные карты» по налаживанию постоянной совместной деятельности с комиссиями по примирению схода граждан, а также специалистами районного (городского) комитета женщин по работе с женщинами и укреплению духовно-нравственных ценностей в семьях в сфере ранней профилактики правонарушений, связанных с семейным насилием.

3.9. Следует наладить постоянное освещение в СМИ проблем в сфере ранней профилактики правонарушений, связанных с семейным насилием, широкое использование информационно-коммуникационных технологий, а также проведение международных конференций, «круглых столов» и других научно-практических мероприятий.

3.10. Предлагается разработать и внедрить в практику учебно-практические пособия и методические рекомендации, основанные на национальных традициях и ценностях, богатом наследии нашего народа, по взаимодействию органов внутренних дел с общественными объединениями в сфере ранней профилактики правонарушений, связанных с семейным насилием.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг криминологик жиҳатлари**» деб номланган бўлиб, унинг биринчи параграфида оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ҳақида олимларнинг фикр-мулоҳазалари ва қарашлари уч гуруҳга ажратилиб, таҳлил қилинган. Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар қонунни қўллаш амалиёти талабларидан келиб чиқиб, маъмурий ва жиноий қилмишларга ажратилган.

Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тажовуз объектига кўра: а) шахснинг ҳуқуқ ва эркинлигига тажовуз қилувчи; б) оилада болаларни тарбиялаш, уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик билан боғлиқ қилмишлар; в) шахснинг соғлиғига қарши қаратилган қилмишлар; г) вояга етмаганни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишга қаратилган қилмишларга ажратилган.

Оилада зўравонлик оқибатида содир этилган жиноятлар тажовуз объекти бўйича: а) ҳаётга қарши жиноятлар; б) соғлиққа қарши жиноятлар; в) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli жиноятлар; г) жинсий эркинликка қарши жиноятлар; д) оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар; е) шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятларга бўлиб ўрганилган.

Муаллиф томонидан ўтказилган сўровда иштирок этганлар оилада содир этилган зўравонликларнинг 51,4 фоизи – жисмоний, 38,2 фоизи – руҳий, 8,7 фоизи – иқтисодий, 1,7 фоизи – жинсий зўравонликлар ҳиссасига тўғри келишини қайд этганлар.

Диссертацияда «маиший низо», «оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик», «оиладаги зўравонлик профилактикаси», «ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси» тушунчаларига, шунингдек ушбу ҳуқуқбузарликнинг турлари бўлмиш руҳий, иқтисодий, жисмоний, жинсий зўравонлик турларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилиб, асослантирилган ва илмий муомалага киритилган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи «Оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларнинг илмий таҳлили» деб номланган бўлиб, унда муаллиф оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг омилларини шартли равишда: а) оиладаги носоғлом маънавий-руҳий муҳит; б) оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг заифлиги ёки

суствлиги; в) оила аъзоси (аъзолари)нинг ғайриижтимоий хулқ-атвори; г) оиладаги моддий етишмовчилик ва қийинчиликлар; д) оила аъзоси (аъзолари)нинг спиртли ичимликка ружу қилиши; е) асоссиз (меъёрдан ортик) рашк, эркак ёки аёлнинг хиёнат; ж) эрта турмуш қуриш, ёш оиладаги муносабатларга ноўрин аралашув каби гуруҳларга ажратиб, тадқиқ этган.

Диссертациянинг «**Оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган ва ундан жабрланган шахсларнинг кримнологик тавсифи**» деб номланган иккинчи бобнинг биринчи параграфида муаллиф оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга оид кримнологик маълумотларни тизимли равишда таҳлил қилган.

Тадқиқот ишида ҳуқуқбузар шахслар томонидан қасддан баданга турли даражада шикаст етказиш (54,3 фоиз ҳолатда), қасддан одам ўлдириш (9,1 фоиз), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (12,5 фоиз), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш (6,1 фоиз), тухмат (5,4 фоиз), қийнаш (4,7 фоиз), номусга тегиш (2,1 фоиз), хавф остида қолдириш (1 фоиз), ҳақорат қилиш (3,2 фоиз), ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (1,6 фоиз) содир этилганлиги аниқланган.

Оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг: а) ижтимоий-демографик белгилари; б) ички руҳий дунёси, эҳтиёжлари, эмоционал-иродавий даражаси, ғайриижтимоий хислатлари; в) жиноят содир этишга мойиллик даражаси; г) индивидуал ижтимоий-руҳий хислатлари таҳлил қилиниб, 2007-2017 йилларда оила-турмуш доирасида жиноят содир этганлиги учун жиний жавобгарликка тортилган шахсларга оид қуйидаги хусусиятлар:

а) жиноят содир этганларнинг 10,1 фоизини – 18-25, 38,6 фоизини – 25-35, 26,8 фоизини – 35-45, 15,5 фоизини – 45-55 ёшдагилар, 9,2 фоизини эса 55 ёшдан ошганлар ташкил этиб, криминоген фаоллик 25-45 ёшдагиларда бошқа ёшдагиларга нисбатан юқори бўлган;

б) жиноят содир этган вақтда уларнинг 64,8 фоизи ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаган, 27,6 фоизи ишчи, 5,4 фоизи хизматчи, 2,3 фоизи тадбиркор бўлган, ишсизларнинг жиний фаоллиги ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланганларникига нисбатан анча юқори бўлган;

в) мазкур жиноятларни содир этганларнинг 5 фоизи олий, 26 фоизи ўрта махсус, 66 фоизи ўрта, 3 фоизи эса тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган;

